2009-yil 14-aprel № 45 (2614) seshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

*Инсонга хос барча фазилатларнинг энг муҳими ва олижанобги — ақл.*

Г. МАБЛИ

Ташаббус — 2009








Заргарлик буюмлари кириб бормаган хонадонни топиш қийин. Нозиктаъб харидор ушбу ашёнинг асл, нодирига эга бўлишни истайди. Шу боисдан бўлса керак, Бухоро шаҳрида яшовчи Алишер заргарга мурожаат қилувчилар, турли даражадаги кўргазмаларга таклиф этувчилар кейинги пайтларда бир мунча кўпайди.

Узоққа бориб нима қилдик, заргар Алишер Ҳайдаров яқинда мамлакат Президенти соврини учун ўтказилган кўрик-танловнинг Бухоро шаҳри ва вилояти босқичларида қатнашиб, «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича ғолибликка эришди ва қимматбаҳо мукофотларга сазовор бўлди.

## Жаҳонгашта заргар Алишер

Юзлаб, минглаб ҳунармандлар орасида А.Ҳайдаровнинг биринчи бўлиши тасодифий ҳол эмас. Унда бобоси — бухоролик таниқли ҳунарманд, заргарлик касбининг моҳир устаси Абдуносир отанинг қони бор. Бобоси руҳини шод этаётгани туфайли ишлари ривож топиб, эл ўртасида ҳурмат-эътибор топаётган бўлса не ажаб?

Аслида Алишер олий ўқув юртини бадиий графика йўналиши бўйича битирган. Шунга ҳам ҳаш-паш дегунча йигирма йил бўлди. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш баробарида у ўз устида ҳам қунт билан ишлади. Рассомчилик, наққошлик, ганчкорликнинг нозик сирларини мукаммал ўзлаштирди. Бироқ заргарлик санъатига бўлган иштиёқ ҳаммасидан устун келди.

Фаолиятини Бухоро заргарлик мактабига хос бўлган турли хилдаги тақинчоқ ва безак буюмларини музей фонди ҳамда архивдаги фотосуратлар асосида давом эттирмоқда. Айниқса, билакузуклар, бўйин ва кўкракка тақиладиган медальонлари ҳамда шу воҳага хос қадимий технология асосида моҳирлик билан ясаётгани мутахассису харидорларнинг эътиборини қозонмоқда. Ўзи билан бирга умр йўлдоши Гулшод Ғуломова, ўғиллари — Шаҳзод, Миршод, Абдуносирлар меҳнат қилаётган мўъжазгина устахонада барча шароитлар мавжуд. Бу ерда нодир хом ашёлардан ташқари, қимматбаҳо бўлмаган металл ва тошлардан ҳам замонавий тақинчоқлар ясалади.

Шогирдлар эса алоҳида иш столлари, зарур асбоблар билан таъминланган. Уларнинг ҳунарни чуқурроқ ўрганишлари, касбга бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида кўргазмали қуроллар, фотоалбом, видеодисклар, стендлар тайёрланган. Дарвоқе, Алишер заргар ҳозиргача йигирмадан ортиқ етук шогирдлар тайёрлаб, уларни мустақил ишлашга кузатиб қўйди. Айни пайтда уч нафар шогирди ундан ҳунар ўрганмоқда.

Алишер Ҳайдаровнинг вилоят «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлиб кирганига ҳам ўн бир йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида у вилоятда 5 марта шахсий кўргазма ташкил этди. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан ташкил этилган республика кўргазмаларида муваффақиятли қатнашди. Уч йилдирки, уста заргарнинг ижодий ишлари хорижда ҳам алоҳида эътирофга сазовор бўлмоқда.

Чунончи АҚШнинг Санта-Фе шаҳрида ташкил этилган халқаро «Жаҳон ҳунармандлар кўргазмаси», Францияда Ўзбекистон кунлари, Ҳиндистондаги йирик халқаро ҳунармандлар анжуманида қатнашиб, катта муваффақият қозонди. Алматида ЮНЕСКО ва КАКСА ташкилотлари ташкил этган кўргазмада Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатлар ҳунармандлари ичида халқаро сифат сертификатига эга бўлгани, кейинчалик «Заргарлик» ННТнинг диплом ва медалига лойиқ топилгани каби унутилмас воқеалар ҳунармандннинг умр дафтарини безаб келмоқда.

— Бухоро заргарлик санъатини янада ривожлантириш борасидаги ҳаракатларимиз бундан буён ҳам давом этади, — дейди А.Ҳайдаров. — Айниқса, XIX-XX асрларда Бухоро, Самарқанд ҳунармандчилигида йўқолиб кетган қадимий технологияларни қайта тиклашда ўз ҳиссамни қўшсам, дейман. Заргарликда чернь, эмал техникасини кенг қўллаш, шунингдек, ўзбек ҳунармандларининг янги заргарлик санъат асарлари яратиш устида ишлаш ниятим бор.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Тараққиёт ва фаровонлик манзаралари

Республика маҳаллийлаштириш дастурига киритилган «Қарши радиатор» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпаймоқда.

### Қўшма корхонанинг янги маҳсулотлари

Бундан ўн икки йил муқаддам ташкил этилган ушбу корхонада олинган фойда ва иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан полиомет цехи ишга туширилди. Шунингдек, бу ерга юқори унумли технологик ускуналар олиб келиниб, моддий техника базаси мустаҳкамланди.

— Ўтган йили «Кейс» ва «Магнум» русумли комбайн ҳамда тракторлар учун радиаторлар билан бирга «Класс» комбайнлари ва «Мерседес-Бенс» автобусларига шу турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари О.Қодиров.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ корхонада импорт ўрнини босувчи материаллар ишлаб чиқариш ҳажми янада кўпайтирилмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Чортоқ Наманган вилоятининг аҳоли зич яшайдиган туманларидан ҳисобланади. Ўтган йили мазкур туманда 3,5 мингта янги иш ўринлари яратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 560 нафар киши ишли бўлди. Бунга асосан корхоналарни қайта қуриш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали эришилмоқда.

### Янги иш ўринлари

Туман бандликка кўмаклашиш марказидан берилган маълумотга кўра, бу йил салкам 4,5 минг нафарга яқин киши бандлик мақомини олади. Ҳозирда бунёд этилаётган «Чортоқ дайхун» (Жанубий Корея инвестицияси иштирокидаги МЧЖ) ва «Чортоқ шифобахш сувлари» корхоналарида иш ўринларини кенгайтириш орқали бунга эришиш кўзда тутилган.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

«Кўкча» қишлоқ фуқаролар йиғини вилоят марказидан 150 километр олисда жойлашган. Бу ерда асосан чорвадорлар, кончи ва газчилар, турли касбга мансуб бунёдкорлар истиқомат қилишади.

### Маҳаллага амалий ёрдам

ҚФЙ ходимлари ҳамиша улар билан ҳамнафас. Турли ҳужжатлар, ҳисоб-китобларни тўғри ва тезкорлик билан юритишда вилоят «Маҳалла» жамғармаси томонидан йиғинга имкон қадар амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Бухоро вилоятининг 96 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари компютер ва 72 та офиси замонавий мебеллар билан таъминланди. Ушбу мақсадлар учун 140 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Ўз мухбиримиз**

*«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгаши ҳам қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.*

### Имтиёз

Бугунгача, жамоа шартномалари ва келишувлар орқали 200 та ташкилот ва корхонада 419 та кам таъминланган оилага моддий кўмак кўрсатилди.

Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 117 нафар ишловчи аёллар моддий рағбатлантирилди. 41 нафар аёл эса туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллардан фойдаланаётир.

**Шодиёр ТЎҚСОНОВ,**
**Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошлоқ туман кенгаши савобли ишга қўл урди. Ёшлар ижтимоий хизмат марказида компьютер саводхонлиги, ҳуқуқий маслаҳат, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, пазандачилик, ижодкор ёшлар, бичиш-тикиш, истеъдод тўгаракларини ўтган йили 1114 нафар ёшлар битирди.

### Беминнат хизмат маркази

Кейинги пайтда ёшларнинг касб-ҳунарга бўлган қизиқиши ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Жумладан, компютер саводхонлиги тўгарагига айнан шу сабабга кўра режадаги 30 ўрнига 40 нафар ёшлар қабул қилинди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

Яқинда Тошкент ислом университетида Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ОАВда сифатли ёритиш йўллари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

### ОАВ ва суд департаменти

Тадбирда 2008 йилда ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берилиб, режалар белгилаб олинди. Таъкидланганидек, 2008 йилда суд ижрочилари иш юритувида ундириш тўғрисида 1 млн. 709 мингта ижро ҳужжати мавжуд бўлиб, 2 трлн. 750 млрд. сўм маблағ ундирилди.

Матбуот анжуманида радио-телевидение ва босма нашрларнинг тажрибали журналистлари томонидан тизим билан боғлиқ материалларни тайёрлашда қўлланиши лозим бўлган усуллар ҳақида мастер-класслар ўтказилди.

Тадбир сўнгида ушбу йўналишдаги фаолиятни янада жонлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Термизда 11-12 апрел кунлари миллий кураш бўйича Президент соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган IX халқаро турнир бўлиб ўтди.**




## Куч билакка сиғмади бехос

Интиқиб кутилган кураш байрами, мухлисларга катта қувонч ва кўтаринки кайфият бахш этди. Сурхондарё вилоят ҳокими Туробжон Жўраев мусобақа иштирокчиларини қизғин табриклагач, Халқаро кураш ассоциацияси Президенти Комилжон Юсупов ва Ўзбекистон миллий кураш федерацияси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов турнир иштирокчиларига зафарлар тиладилар. А.Орипов Абдулла полвон Тангриевга бағишлаб ёзган тўртлик мисрасини ўқиб берди:

***Меросий полвонсан, Алпомиш отанг,***
***Кўзингда чақнасин, омад юлдузи.***
***Рақибингни силтаб осмонга отсанг,***
***Ойни кўриб қайтсин биратўласи.***

*(Давоми 4-бетда)*

Мусоҳаба

## «Қудратли дарёга айланайлик...»

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон АКБАРОВ билан суҳбат

**— Президентимиз 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таълим тизимидаги ўзгаришларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Суҳбатимизни ана шу муҳим масаладан бошласак.**

— Эътибор берган бўлсангиз, Президентимиз маърузасида дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг иқтисодиётида кескин таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсиш таъминланаётгани ҳақида фикр билдирди.

Ҳақиқатан ҳам инқироз кўплаб мамлакатлар иқтисодиётини синовдан ўтказган 2008 йилда мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ютуқлар Ўзбекистон танлаган ривожланиш модели тўғрилигини, айниқса, унинг банк-молия тизими ишончли эканлигини яна бир бор исботлади.

Кенг жамоатчилик қатори маърифат аҳли орасида ҳам юртбошимизнинг маърузаси илиқ кутиб олинди. Улар шундай шароитда давлат бош ислоҳотчи сифатида бор масъулиятни зиммасига олгани нечоғли тўғри эканлигини халққа кенг тарғиб-ташвиқ қилишаётир.

**— Жаҳон молиявий инқирозига қарши чоралар юзасидан Президентимизнинг кўрсатмалари, ҳукумат қарорлари ҳамда Сенат мажлисида қайд этилган вазифалар ҳар биримиздан омилкорлик билан фаолият юритишни талаб қилмоқда.**

— Жаҳон мамлакатларидаги иқтисодий инқироз бизга ҳам хавф солиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис мамлакатимизда ўтган йилдаёқ инқирозга қарши чора ишлаб чиқилган эди. Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ҳамда мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009 —2012-йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури бу борадаги ишларимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолади. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг жаҳон иқтисодий кризиси оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича кризисга қарши дастури бажарилишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Шу асосда Марказий кенгашимиз ҳам кенг кўламли ишларни олиб бораётир. Мақсадимиз — тармоқ ходимларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш баробарида уларга янада кўпроқ ва самаралироқ наф келтириш, оиласи, саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, иш шароитини яхшилаш, меҳнатига яраша ҳақ тўланишини таъминлаш, шунингдек, янги иш ўринлари яратишда фаол қатнашиш, ҳар соҳада тежамкорликка ва халқимизга хос ишбилармонликка кенг йўл очишдир. Шу ниятни амалга ошириш учун янги имкониятлардан самарали фойдаланишга аҳд қилдик. Жорий йилда Марказий кенгаш ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида Фарғона вилояти Бешариқ тумани Рапқон қишлоғидаги «Устоз» санаторийси таъмирланиб, тармоқ ходимларининг саломатлигини тиклайдиган масканга айлантирилиши режалаштирилган. Сўлим бу қишлоқда минералларга бой шифобахш сув борлиги аниқланган.

Шунингдек, янги иш ўринларини яратиш мақсадида Самарқанд шаҳрида барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхона ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг нашриётини ташкил қилиш ниятидамиз. Хуллас, бу каби эзгу ишларимиз кўлами ниҳоятда кенг, муҳими, уларни амалга ошириш!

*(Давоми 4-бетда)*

# Тараққиётимиз байроқдорлари

## «Ташаббус — 2009» республика босқичи иштирокчилари



● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

### Улкан мақсадларни кўзлаб

Ойзода Нуримбетованинг болалигидан миллий либослар, нақшларга меҳри бўлакча эди.

— Миллий нақшлар нафақат гўзаллик тимсоли, балки уларда чуқур маъно ва улкан фалсафа бор, — дейди Ойзода. — Шу боис, аввало, уларнинг тарихини, мазмун-моҳиятини ўрганишга ҳаракат қилдим.

Ойзода янги иш бошлаганида унга дашном берганлар ҳам бўлди.

— Қўйсанг-чи, ҳозир ким шундай сумка осади? Ким миллий нақш солинган кийим кияди? Ундан кўра замонавий либослар тик, жарақ-жарақ пул топасан.

Бир сўзли эмасми, сўзида қатъий турди:

— Мана кўрасиз, мен тиккан сумкаларни, кийимларни нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун дунё қизлари эгнида кўришни орзулайдиган бўлади.

Тинимсиз изланиш, машаққатларни мардонавор енгиш эвазига орзулари рўёбга чиқди. 2007 йилда «Йил аёли» дея эътироф этилган Ойзода Нуримбетова номини эндиликда хорижда ҳам билишади. Бир неча бор халқаро танловларда иштирок этди. Туркия, Бразилияда ўз кўргазмаларини намойиш қилди. Яқинда эса Хитойга бориб келди. Тошкентдаги уч дўконда Ойзода бошлиқ «Нуройзода» хусусий корхонаси чеварлари томонидан яратилган миллий нақшлар солинган сумкалар, ширлак(кошелек)лар, каштачилик буюмлари савдоси йўлга қўйилган.

— Мени қувонтирадиган нарса ҳунаримизни ўрганишга иштиёқманд ёшларнинг кўплигидир, — дейди Ойзода. — Корхонамиз эшигини ҳар куни камида уч-тўрт қиз ана шу истак билан тақиллатади. Уларни қучоқ очиб кутиб оламиз. Ахир, улар ҳеч бўлмаганда ўз сеплари учун кийим ёки бошқа буюм тикишса ҳам, бу ютуғимиз эмасми? Билсангиз, авваллари қорақалпоқ қизлари келинлик либосларини ўз қўллари билан тикиб, уни бетакрор нақшлар билан безашган.

Бугун Нукус кўчаларида миллий нақшлар билан безатилган либос кийган, сумка осган қизларни кўплаб учратиш мумкин. Бу Ойзода каби қўли гул, нияти эзгу ҳунармандларнинг меҳнати. Улар миллий либосларни замонавий услубда қайта яратишгани туфайли бу қадар оммабопликка эришмоқдалар.

Ойзода Нуримбетова «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон босқичида «Энг яхши ҳунарманд» дея эътироф этилиб, унинг республика босқичида ҳам иштирок этганлиги бежиз бўлмаса керак.

**М.ТЎРАБОЕВА**



● ХОРАЗМ

### Юрагида нақши бор

**«Ташаббус—2009» танловининг Хоразм вилоят босқичида «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича ғолиблик янгиариқлик Баҳодир Отажоновга насиб этди. Баҳодир ака кулоллар сулоласининг олтинчи вакили. Ўзбекистон халқ устаси Султон Отажоновнинг жияни. Кулоллик сирларини ҳам айнан шу кишидан ўрганган.**



Болалигида тоғасиникига меҳмонга келганида, унинг ишларини кўриб ҳаваси келарди. Бора-бора ҳавас чинакам иштиёққа айланди. Дарслардан сўнг тоғасига кўмаклашадиган бўлди. Қунт билан ўрганди. Ниҳоят, ажойиб кулол бўлиб етишди.

Мустақиллик туфайли ҳунармандларга яратилган имконият кулоллар сулоласини ҳам руҳлантирди. Султон Отажонов уйида ижодий устахона ташкил қилинди. Баҳодир ҳам фаолиятини шу ерда давом эттиришга аҳд қилди. Устахонада тайёрланган товоқлар, бадёлар, гулдонларга талаб катта.

Эндиликда бу ерда кошинлик ҳам йўлга қўйилди.

—Ҳунаримизни ўрганишга иштиёқмандлар кўп, — дейди Баҳодир ака. — Зафар Ортиқов, Самад Отажонов, Мардон Дўстжонов каби шогирдларимни бемалол ҳақиқий кулоллар деб айта оламан. Маҳалламиздан кўплаб ёшлар устахонамизга ташриф буюришиб, кулоллик, кошинлик сирларини ўрганишга ҳаракат қилишмоқда. Биз ўргатишдан чарчамаймиз.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**



● СУРХОНДАРЁ

### «Меҳнатим зое кетмади...»

«Ташаббус—2009» танловининг Сурхондарё вилоят босқичида «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналиши бўйича деновлик якка тартибдаги тадбиркор Исомиддин Олимов ғолиб бўлди.

— Мен асосан ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаман, — дейди у. — Толдан ясалган идишлар, қошиқ, бешик ҳамда турли буюмлар ясайман. Шунингдек, эшик, дераза ромлари тайёрлаб, ўймакорлик усулида нақш-безак бериш билан шуғулланаман. Меҳнатим зое кетмади. Президентимиз соврини учун ўтказиладиган республика кўрик-танловида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Бу менга янги марраларни забт этишимда қанот бахш этди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

● ҚАШҚАДАРЁ



*Миллий либослар дизайнери, жунни қайта ишлаб, ундан мато ва тайёр кийимлар ишлаб чиқараётган Маҳлиё Абдураҳмонова Қаршидаги информация технологиялари коллежининг учинчи босқичида ўқийди.*

### Ёш дизайнерга — имтиёзли йўлланма

***Қўй жунидан тоза экологик буюмлар тайёрлашни Қамаши туманининг Оқработ қишлоғида яшовчи бувиси Тўтигул аядан ўрганган. Дид билан тикилган аёллар ва эркаклар кўйлаклари, бош кийимлари хушбичим ва сифатлилиги билан ажралиб туради.***

***Республика миқёсидаги «Келажак овози» кўрик-танловида ғолиб чиққан ёш ҳунарманд Тошкентдаги олий ўқув юртларига дизайнерлик йўналиши бўйича ўқиш учун имтиёзли йўлланмани қўлга киритди. «Ташаббус—2009» танловининг вилоят босқичида «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» деб топилганлиги унинг интилувчанлигини яна бир бор исботлади.***

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



● САМАРҚАНД

***Самарқанд замини азалдан косиб-ҳунармандлар ватани. Қадимий санъатни жилолантириш, азалий меросни тиклаш анъанага айланиб бораяпти.***

### Ҳунар ўлмайди

Хусусан, бизнинг авлодимиз кулолчилик билан шуғулланган. Турли хил рўзғорбоп буюмлар ясаш, кўза, кувшин ва бошқа ашёларни тайёрлашда миллий анъаналардан фойдаланаяпмиз. Мен кулоллар авлодининг бешинчи вакилиман. Бу анъанани фарзандларим ва шогирдларимга ўргатаяпман. Бу соҳада ўзига хос мактаб яратилди, десам ҳеч муболаға қилмаган бўламан.

Вилоятимизда халқ амалий санъатига бўлган эътибордан кўнглим тўқ. Ҳар бир косиб ўз меҳнатига яраша қадр топмоқда. Мен ҳам мўъжаз устахонамда нафис ашёлар яратаман. Бу санъатни дунёга ёйиш пайида бўлаяпман. Албатта, меҳнатларим бесамар кетмаяпти. «Ташаббус — 2009» танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлдим. Мамлакат миқёсида ҳам меҳнатим муносиб баҳосини топди. Бу қадимий ҳунар билан шуғулланишга иштиёқимни тобора ошириб, изланишга ундаяпти.

**Нўъмон ОБЛОҚУЛОВ,**
**кулол, Ургут тумани**



● ЖИЗЗАХ

### Орзулари ойдин Мухлиса



Мухлиса Қодирова мана олти йилдирки, Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатиб келади. 15 нафар шогирди билан миллий қўғирчоқлар, юмшоқ ўйинчоқлар, зардўзлик, рангли иплардан тўқилган гуллар, макраме (бакрама) усулида каноп маҳсулотларидан тўқиш, мунчоқлар билан безатиш (бисер), қуроқ ва шу каби ўндан ортиқ турдаги буюмлар тайёрлайди. Буларни кўрган кўз қувнайди.

М.Қодирова фойда кўриш учунгина бу юмуш билан шуғулланмайди. У миллий ҳунармандчилик тарғиботчиси ҳамдир. Шу мақсадда 29-Меҳрибонлик уйи, мактабгача таълим, халқ таълими муассасаларига ўз маҳсулотларини тез-тез туҳфа этиб туради.

М.Қодирова келгуси режалари ҳақида сўзлар экан, ота-боболаримиздан мерос, ҳозирда унутилаёзган кийим-кечакларни замонавий услубда тикиш, хорижий мамлакатларда кўргазмалар ташкил этиш орқали дунё аҳлини миллий қадриятларимиз билан яқиндан таништиришни жуда-жуда истайди.

«Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» дея эътироф этилган жиззахлик Мухлиса Қодирова танловнинг республика босқичида ҳам фаол қатнашиб, «Энг ёш ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолиб бўлиб қайтди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Журналист суриштируви




Биз барчамиз, биринчи навбатда қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла халос бўлишимиз, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Минг афсуски, ўзимиз яхши қонунлар ятатамизу, ўзимиз уларга қатъий риоя қилмаймиз.

Тадбиркорлик фаолиятига нохолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди.

**Ислом КАРИМОВ**

# Ким зарарга ишлашни хоҳлайди?

Мамлакатимиз истиқлолга эришган илк йилларданоқ ички бозоримизни ўзимизда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Республикамизда ғалла мустақиллигига эришилиб, ҳатто, дон, ёғ маҳсулотлари қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ички бозорда ушбу маҳсулотлар тўкинлигига эришиш юзасидан бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди.

Айниқса, кейинги йилларда ҳукуматимиз чорвачиликни ривожлантиришга эътиборни кучайтирди. Чунки аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига эҳтиёжи тобора ортиб бораяпти. Президентимиз томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «2006 — 2010-йилларда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳани ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бироқ таҳририятимизга Жиззах вилояти Мирзачўл тумани Гагарин шаҳрида яшовчи фуқаро Фархутдин Сейтовдан келган шикоят билан танишар эканмиз, жойларда ҳали бу борада муаммолар борлигига амин бўлдик.

«Мен 2006 йил сентябр ойидан Вазирлар Маҳкамасининг «2006 — 2010-йилларда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Ҳусниддин-Мусурмон» кичик корхонаси — кушхона очдим, — деб ёзади муаллиф. — Фаолиятимни бошлашдан олдин санитария ва ветеринария талабларига тўлиқ жавоб бериш мақсадида эски, ташландиқ бинони таъмирлаш учун қарийб 15 млн. сўм харажат қилдим. Ниятим — келгусида фаолиятимни ривожлантириб, бўрдоқичилик ва терини қайта ишлаш корхоналарини очиб, маҳаллий ёшларни иш билан таъминлаш эди. Бироқ айрим мутассаддиларнинг тўсқинлиги оқибатида мақсадим амалга ошмай қолди. Бунинг устига айни пайтда корхонамиз фаолиятини тўхтатиш арафасида турибди. Сабаби, солиқлар ва бошқа тўловлардан 247 минг сўм, ишчилардан 9 ойлик иш ҳақи қарздорлиги пайдо бўлган».

Аризада ёзилишича, кушхона ташкил этилган дастлабки кунларда унинг фаолияти яхши кетган. Кушхонага вилоят ветеринария бошқармасининг Мирзачўл туман бўлими томонидан ветеринария лабораторияси ўрнатилиб, ветврач бириктирилган. Аммо орадан кўп ўтмай, аниқроғи, 2007 йилнинг май ойида туман ветеринария бўлими лабораториясини олиб кетади. Унга бириктирилган ветврач И.Ропилов ҳам кушхонани тарк этади.

Ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтилган қарорининг 5-бандини тўлалигича келтирамиз: «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ваколатли органлар билан биргаликда мол сўйиш, гўшт-сут маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишни ташкил этиш бўйича белгиланган ветеринария-санитария қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

Бунда қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида боқилган чорва моллари санитария ва ветеринария талабларига жавоб берадиган **<u>ихтисослаштирилган кушхоналарда сўйилади</u>**;

гўшт деҳқон бозорларида ва савдо шохобчаларида фақат ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлган тақдирда сотилади.

Кушхоналар асосан деҳқон бозорлари ёнида ва маҳаллий аҳоли учун қулай бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида 4-иловага мувофиқ ташкил этилсин».

Қарорда қайд этилган 4-иловага мувофиқ республикамизнинг барча ҳудудлари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар)да, жумладан, Жиззах вилоятида 2005 йили мавжуд бўлган 33 та кушхонага қўшимча равишда 2010 йилга қадар яна 4 та кушхона ташкил этиш тўғрисида топшириқ берилган.

— Туман ветеринария бўлими «Чорва моллари пуллик зооветеринария ва ветеринария-санитария экспертиза хизмати ҳақи нарх-наво прейскуранти» бўйича белгиланган молларни сўйишдан олдинги хизмат учун энг кам иш ҳақининг 5 фоизи, сўйишдан кейинги хизмат учун энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдоридаги маблағни (жами битта қорамол учун 8412 сўм) шартнома асосида тўлашни талаб этмоқда, — давом этади Ф.Сейтов. — Лекин туман ҳокимияти мутасаддилари битта қорамол учун хизмат ҳақини 4500 сўмдан оширмасликни талаб қилган. Шундай экан, туман ветеринария бўлими талаб қилган пулни қандай тўлашим мумкин?

Чорасиз қолган Ф.Сейтов шундан сўнг вилоят молия бошқармасига мурожаат қилади. Бошқармадан олинган жавоб хатида (2008 йил 13 майдаги 07-15/51 рақамли) «Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-қарорига асосан нарх тарифларининг шакллантирилиши корхона томонидан юқори ташкилот билан келишилган ҳолда тасдиқланади» дейилади. Шу боис, энди Ф.Сейтов туман ветеринария бўлимига ўз хизмат калкуляциясини тақдим этади. Аммо туман ветеринария бўлими бошлиғи И.Жумабоев уни имзоламайди.

Шундан сўнг Ф.Сейтовнинг аризаси бўйича Жиззах вилоят санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачининг ўринбосари Н. Убайдуллаев, бўлим мудири Т.Жабборов ҳамда Мирзачўл тумани ДСЭНМ санитария врачи З.Тожиевлар иштирокида 2008 йилнинг 15 апрелида кушхона фаолияти текширилади. Текшириш якуни бўйича тузилган далолатномада, жумладан, шундай дейилади: «Ҳозирги кунда кушхона тўлиқ таъмирланган, фаолият юритиш учун етарли шароит яратилган, лекин ветеринария назорати ўрнатилмаган». Вилоят давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Н.Тўрабоев имзоси билан Ф.Сейтовга йўлланган мактубда эса мутлақо бошқача ҳолат баён этилади. Яъни, кушхона мол сўйиш учун ветеринария-санитария талабларига жавоб бермаслиги, кушхона девор сувоқлари кўчиб ётганлиги, ишга туширилганидан буён оқлаш, бўяш, дезинфекциялаш ишлари олиб борилмаганлиги айтилади. Бизни таажжубга солган нарса шуки, Н.Тўрабоевнинг жавоб хати вилоят санитария-эпидемиология назорат маркази ҳамда туман ДСЭНМ мутахассислари текширувидан бир кун кейин — 2008 йил 16 апрелда келган. Бир кун ичида кушхона шундай хароб аҳволга келиб қолиши ажабланарли ҳол. Шундай эмасми?

Суриштирув давомида Мирзачўл туман деҳқон бозорида бўлдик. Афсуски, «Мирзачўл деҳқон бозори» МЧЖ раиси Б.Мусаевни идорада учрата олмадик. У кишининг ўринбосари Абулқосим Усмонов ҳамроҳлигида бозорни айландик. Бозор ҳудудида жойлашган гўшт дўконларидан бирига яқинлашамиз. Ўзини Фарҳод Каримов деб таништирган дўкон эгаси бизга сотувга қўйилган мол гўшти Жиззах шаҳридаги кушхонада сўйилганлиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этди. 2009 йил 26 март санаси қўйилган мазкур 54-маълумотномада ёзилишича, ҳақиқатан ҳам Ф.Каримовга тегишли бир бош қорамол хусусий тадбиркор Акбаров Муҳаммадга тегишли кушхонада сўйилган, сўйишдан олдин ветеринария текширувидан ўтказилган, ҳайвоннинг юқумли касалликларга қарши эмланганлиги текширилган.

Кейинги гўшт дўкони эгаси Х.Мавлонов эса қорамолнинг қайси кушхонада сўйилганлиги ҳақидаги маълумотномани тақдим эта олмади. Фақат бозор ҳудудига бириктирилган ветврач берган бир парча қоғозга ёзилган маълумотномани кўрсатди, холос. Ветврачнинг ўзи қани деган саволимизга «Ҳозиргина шу ерда эди» деган жавобни олдик. Афсуски, шу куни на бозор ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияси мудирини, на туман давлат ветеринария бўлими мутасаддиларини учрата олдик.

Деҳқон бозори бош ҳисобчиси У.Бобожоновдан айни пайтда бозор ҳудудида фаолият юритаётган қассобхоналар рўйхатини беришни сўрадик. Рўйхатга кўра, айни пайтда бозор ҳудудида Хурсандов Сайфиддин, Мавлонов Ҳаким, Ҳожиев Жўрабек, Ёдгоров Ғулом, Жабборов Юсуф (жами 5 та)га тегишли қассобхона мавжуд экан. Аммо Мирзачўл туман давлат солиқ инспекцияси ЖШСТ ва НК бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Д.Калонов берган туман ДСИда 2009 йилда солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинган қассоблар тўғрисидаги маълумотномада жами 13 кишининг исм-фамилияси қайд этилади. Улардан 3 таси бозор ҳудудидан ташқарида фаолият юритаётган бўлса, иккитасининг фаолияти тўхтатилган. Қолган 8 тасининг фаолият кўрсатиш манзилига эса «Бозор ҳудуди» деб ёзиб қўйилган. Энг қизиғи, туман ДСИ маълумотномасида фаолияти 2009 йилнинг 27 февралида тўхтатилган дейилган Фарҳод Каримов номига берилган қорамол хусусий тадбиркор Акбаров Муҳаммаднинг кушхонасида сўйилганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида 28 март куни бозорда савдо қилинаётган эди.

Шу боис қизиқишимиз ортиб, мазкур кушхонани бориб кўришга аҳд қилдик. Тадбиркор Муҳаммад Акбаров раҳбари ҳисобланмиш мазкур кушхона аслида унинг ўз эҳтиёжи учун ташкил этилган бўлиб (М.Акбаров ҳам қассобчилик билан шуғулланади), уйининг орқа томонида жойлашган экан. М.Акбаровнинг тушунтиришича, Мирзачўл деҳқон бозорида фаолият юритувчи қассобларга берилган маълумотномалардан унинг ўзи мутлақо бехабар бўлган. Уларни қўл остида ишловчи ветврач Ёқуб Мамасолиев ундан бесўроқ бериб юборган.

«Каримов Фарҳодга 26.03.09 йил санаси билан хусусий тадбиркор Акбаров Муҳаммад кушхонаси муҳри босилган 54-маълумотномани берганман. Аслида эса қорамол бошқа кушхонада сўйилган», — дейди Ё.Мамасолиев. Сўнг бизга Жиззах туман «Зарафшон» А.Х.М.даги «Акбархон Ҳожи» хусусий кушхонасида сўйилган чорва молларини қайд қилиш дафтарини кўрсатди. Хўш, муҳр хусусий тадбиркор Акбаров Муҳаммаднинг кушхонасиники, қорамол «Акбархон Ҳожи» хусусий кушхонасида сўйилган бўлса, маълумотнома қайси дафтарда қайд қилинган экан? «Акбархон Ҳожи» хусусий кушхонасида сўйилган чорва молларини қайд қилиш дафтарида 54-маълумотнома 23.02.09 йил санаси билан Муҳаммад Акбаровга берилганлиги қайд этилган. Дафтарнинг бирор жойида Фарҳод Каримовнинг исм-фамилиясини учратмадик.

Туман ДСИнинг «Ҳусниддин-Мусурмон» кичик корхонасига йўллаган 2008 йил 13 март кунидаги 15/252-сонли жавоб хатида Мирзачўл деҳқон бозорида 2008 йилнинг 12 март ҳолатига жами 11 та қассоб фаолият кўрсатаётганини билдириб, негадир 12 та қассобнинг исм-фамилиясини келтиради. Эътибор бериб қарасак, улар орасидаги Ҳақназаров Собирнинг номи икки марта ёзилган экан. Жавоб хатининг сўнггида «бажарди» деган жойда Ж.Бобожоновнинг номи келтирилган. Ж.Бобожонов ишдан кетгач, ЖШСТ ва НК бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб Д.Калонов тайинланади. Айнан унинг имзоси билан тасдиқланган туман ДСИ солиқ тўловчилар сифатида рўйхатга олинган қассоблар рўйхатида эса С.Ҳақназаровнинг номи умуман келтирилмайди. Худди шу маълумотномада якка тадбиркор Ҳамроқулов Зайниддин 15.09.2008 фаолиятини тўхтатмасдан кетиб қолган дея қайд этилади. Аммо туман ДСЭНМ санитария врачи томонидан тақдим этилган маълумотномага кўра З.Ҳамроқуловга 4.10.2008 йилда жарима чораси қўлланилгани айтилади.

Туман ветеринария бўлими бошлиғи И.Жумабоевнинг 2008 йилда деҳқон бозорида сотилган моллар тўғрисидаги маълумотномада 13 та қассобнинг номи келтирилган. Улар ичида номи келтирилмаган А.Наврўзовни негадир туман ДСЭНМ 13.06.2008 йилда жаримага тортиб ўтирибди. Агар А.Наврўзов бозорда савдо қилмаган бўлса, нима учун жаримага тортилади?

Яна бир қизиқ маълумот. «Ҳусниддин-Мусурмон» корхонасида вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи Н.Тўрабоев бошчилигида ўтказилган текшириш натижаларига кўра тузилган 2008 йил 7 августдаги далолатномада Р.Ҳамроқулов, Ю.Каримов ва бошқалар қатори О.Қулматов ҳам Жиззах туманидан гўшт олиб келиб Мирзачўл деҳқон бозорида сотаётганлиги ҳақида маълумот келтирилади. Бироқ ушбу далолатномага имзо чеккан туман ветеринария бўлими бошлиғи И.Жумабоев 2009 йилнинг 12 февралида Ф.Сейтовга юборган 7-сонли хатида «Тадбиркор Қулматов Отабек 2008 йили деҳқон бозорида фаолият кўрсатганлиги тўғрисида маълумот йўқ, рўйхатга ҳам олинмаган» деб ёзади. Қолаверса, туман ДСЭНМнинг «Мирзачўл туман ҳудудидаги гўшт дўконлари дислокацияси»даги рўйхатда (28.04.2008 йил ҳолатига) Отабек Қулматовнинг номи ҳам қайд этилган.

Бу каби чалкашликларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ калаванинг учини топишни тегишли идораларга қолдирайлик-да, мавзуни давом эттирайлик.

Мирзачўл тумани деҳқон бозорида савдо қилувчи Жиззах шаҳрилик қассобларнинг айтишича, шаҳарда бир килограмм мол гўштининг нархи 6500 сўм экан. Аммо Мирзачўл туманида бу миқдор 6000 сўмни ташкил этади. Қизиқ, қассоблар ниманинг ҳисобига зарар учун туманга гўшт олиб келиб сотишаётган экан?

Шикоят муаллифи Ф.Сейтов ёзади: «Туман ветеринария бўлими бошлиғи И.Жумабоевнинг яқин қариндоши, яъни амакиваччаси Фарҳод Равшанов қариндошининг паноҳида кўплаб ноқонуний ишлар қилмоқда». Бу даъво қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини билмадигу, аммо қўлимиздаги ҳужжатга кўра, Мирзачўл туман давлат ветеринария бўлими бошлиғининг 2009 йил 6 февралда чиқарган 3-буйруғига асосан Фарҳод Равшанов Мирзачўл туман деҳқон бозори ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияси мудирлиги вазифасидан озод қилиниб, унинг ўрнига вақтинчалик Расул Таджиев тайинланган. Аммо Ф.Сейтовнинг аризасига кўра текшириш ўтказган адлия ходимларига 27.02.09 йилда берилган маълумотномада бугунги кунда бозор ҳудудида 9 та қассобхона фаолият юритаётганлиги кўрсатилиб, унга Ф.Равшанов имзо чеккан. Биз Мирзачўл туман деҳқон бозорида бўлган 28 март куни гўшт дўконларига берилган бозор ветврачининг маълумотномасида ҳам айнан Ф.Равшановнинг имзоси турибди. Дўкондорлар ҳам мазкур маълумотномани Ф.Равшанов берганлигини таъкидлашди. Имзолар масаласига ойдинлик киритиш учун на Ф.Равшановни, на вақтинчалик тайинланган Р.Таджиевни излаб тополдик. Бизга бозор ҳудудидаги бир хонани «ветврачники» деб кўрсатишди. Бироқ унда ҳеч қандай пешлавҳа йўқ эди. Бунинг устига туман давлат ветеринария бўлими бошлиғи И.Жумабоев Тошкентдаги касалхонада даволанаётган, ўринбосари эса уни кўриш учун пойтахтга кетган экан.

**Зайниддин ТОЖИЕВ, Мирзачўл туман ДСЭНМ санитария врачи:**

*— Мирзачўл туман ДСЭНМ томонидан 2008 йил давомида туман деҳқон бозорида фаолият кўрсатган 10 та гўшт дўконида 3 марта санитария назорати ўтказилди. Санитария қонун-қоидаларини бузганлиги учун 11 нафар шахсга 617.620 сўм жарима солинган.*

*Ф.Сейтовнинг кушхонасига келсак, Президентимиз томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор бўйича Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, республика Давлат санитария врачи Б.Ниёзматовнинг ахборот хати ҳамда Жиззах вилоят ДСЭНМ бош врачи Х.Латиповнинг 14.04.2006 йилдаги 1-2/335-хатига асосан намунавий типдаги кушхона ва чорва молларини сўйиш майдончалари ветеринария-санитария талабларига тўла жавоб бермайди. Бироқ бу камчиликларни бартараф этса бўлади.*

**Абдуғафур ЁДГОРОВ, қассоб:**

*— Кўп йиллардан бери қассобчилик билан шуғулланаман. Ҳукумат қарори билан кушхоналарнинг ташкил этилиши халқимиз манфаатларини ўйлаб қилинган эзгу ишдир. Чунки қорамоллар кушхонада сўйилишидан олдин ветеринария текширувидан ўтказилади. Натижада, халқимизга сифатли гўшт етказиб берилади. Қолаверса, бу ерда ҳар бир сўйиладиган қорамолнинг рўйхатга олиниши ўғирланган ёки ҳаром ўлган мол гўшти сотувга чиқиб кетишига йўл қўймайди.*

— Шу кунгача туман, вилоят миқёсидаги мутасадди ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бир неча марта шикоят билан мурожаат қилдим. Лекин улардан бирорта ҳам жавоб олмадим, — дейди ариза муаллифи.

Ва бизга Бош прокуратура ва вилоят прокуратурасидан келган жавоб хатларини кўрсатди. Уларда ариза тегишли тартибда кўриб чиқиш учун туман прокуратурасига юборилганлиги айтилади. Бироқ Ф.Сейтов шу чоққача туман прокуратурасидан ҳеч қандай жавоб олмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг «2006 — 2010-йилларда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга ошириб борилаётгани, аҳлига қўшимча ер майдонлари берилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётгани шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари кўпайишига, ички бозорни чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди. Бироқ юқорида айтилганидек, Мирзачўл туманида бу борада жиддий муаммолар мавжуд. Афтидан, мутасаддилар қарор ижросини таъминлашга таъминлашгану, кушхонанинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга келганда ўзларини четга олишган. Агар бундай бўлмаса, қарийб бир йил мобайнида фаолият кўрсатган кушхона бирданига талабга жавоб бермай қолишини қандай тушуниш мумкин? Майли, талабга жавоб бермади ҳам дейлик. Лекин камчиликларни бартараф этиш мумкин-ку. Энг муҳими, кушхонанинг фаолият юритиши 4-5 кишининг иш билан таъминланишига, аҳлига сифатли гўшт етказиб берилишига хизмат қилмайдими?

Умид қиламизки, мақолада тилга олинган масалалар туман ҳокимияти мутасаддилари ҳамда тегишли идоралар ҳамкорлигида ижобий ечимини топади.

— Келгусида чорвачилик ва бўрдоқичиликни йўлга қўйиб, корхонамиз қошида терини қайта ишлаш цехини очиш ниятим бор, — дейди Ф.Сейтов. — Бунинг учун 20 гектар экин майдони, банкдан 35 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш зарур бўлади. Агар ниятларим амалга ошса, бир неча ёшлар иш билан, мирзачўлликлар эса шу ернинг ўзида парваришланган сифатли мол гўшти билан таъминланади.

Тадбиркорнинг ушбу орзулари амалга ошиши қишлоқдаги тараққиёт ва фаровонлик учун хизмат қилади.

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**










Олам ва одам

## Овозлар қайтадан саналади...



«РИА-Новости»нинг хабарига қараганда, Молдова Конституцион суди 12 апрел куни бўлиб ўтган шошилинч йиғилишида парламент сайловида берилган овозларни қайтадан санаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилди. Энди Марказий сайлов комиссияси 9 кун ичида суд қарорини бажариши керак.

5 апрелда ўтказилган сайловда коммунистлар ғолиб чиққан эди. Сайлов натижасидан норози бўлган мухолифат Кишинёвда митинг уюштирган, митинг эса 7 апрел куни оммавий тартибсизликларга айланиб кетган эди. Оқибатда 270 киши жабрланган.

Эслатиб ўтамиз, сайлов натижасига кўра 4 та партия вакиллари парламентдан жой олишган. Мамлакат президенти Владимир Воронин раҳбарлик қиладиган коммунистлар партиясига сайловчиларнинг 49,48 фоизи овоз берган.

## Президент тақдимномаси маъқулланмади



Украина Конституцион суди дастлабки (рейтинг) овоз бериш натижасига кўра президент Виктор Ющенконинг амалдаги бош вазир Юлия Тимошенкони лавозимига тайинлашда қонун бузилишига йўл қўйилганини тан олиш ҳақидаги тақдимномасини маъқулламади.

«Коммерсант-Украина» нашрининг хабарига қараганда, 9 та судя тақдимномага қарши овоз берган, 6 таси уни ёқлаган. 3 та судя мажлисда қатнашмаган. Афтидан, Украина Конституцион суди президентнинг Верховний Радани тарқатиб юборишига йўл қўймоқчи эмас.

Қонунга кўра бирон-бир масала юзасидан қарор қабул қилиш учун Конституцион суднинг 18 нафар аъзосидан 10 тасининг қўллаб-қувватлаши талаб қилинади.

Конституцион суд Ющенконинг тақдимномаси юзасидан қачон якуний қарор чиқариши ҳозирча маълум эмас.

## Хитойда инсон ҳуқуқларига қандай риоя қилинаяпти?



«Синхуа» агентлигининг хабарида айтилишича, Хитой ҳукумати инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича биринчи ҳаракат дастурини қабул қилди.

Ушбу дастур 2009 — 2010-йилларга мўлжалланган бўлиб, мамлакатдаги меҳнат қилиш ҳуқуқи, шунингдек, маҳбуслар ва ногиронларнинг ҳуқуқлари борасидаги аҳволни яхшилаш режасини ўз ичига олади.

Хитой раҳбарлари холис ва одил судни кафолатлаб, ўлим жазоси қўлланиши устидан назоратни кучайтирмоқчи. Шунингдек, кўпроқ иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадларини кўпайтириш ва ижтимоий таъминот соҳасини кенгайтириш назарда тутилаяпти.

2009 йилнинг охиригача халқаро комиссия Хитойда инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши аҳволига баҳо беради. БМТга аъзо давлатларда ҳар тўрт йилда бир марта шундай текширув ўтказилади.

## Эронда йирик авиашоу ўтказилади



Эрон ўз ҳарбий қудратини намойиш қилиш мақсадида йирик авиация шоусини ўтказмоқчи. Шоу 18 апрел — Армия куни ўтказилиб, унда 140 га яқин самолёт ва бошқа қўшин турлари қатнашади.

Эрон ҳарбий ҳаво кучлари вакилларининг гапига қараганда, ушбу шоу армиянинг мамлакатни ҳимоя қилишга тайёрлиги рамзи бўлади.

Мазкур шоу ўтказилиши ҳақидаги хабар президент Маҳмуд Аҳмадинажотнинг мамлакат тўлиқ ядровий ёнилғи циклини яратганлиги тўғрисидаги баёнотидан сўнг кўп вақт ўтмасдан пайдо бўлди. Ядровий ёнилғи ишлаб чиқарувчи биринчи завод ўтган ҳафтада Исфаҳонда очилган эди.

Жаҳон ҳамжамиятининг баъзи аъзолари, хусусан АҚШ ва Исроил Эрон ўзининг ядро қуролини яратишни режалаштираётганидан хавотирда. Форслар эса, ўз навбатида, барча айбловларни инкор этиб, Эроннинг ядро дастури фақат тинчликка хизмат қилиши, ядровий ёнилғи Россия билан ҳамкорликда қурилаётган «Бушер» АЭСи учун мўлжалланганини таъкидламоқда.

## Қоғоздан ҳам қадрсиз пул



Зимбабве ҳукумати миллий валюта — Зимбабве долларининг муомалада бўлишини тўхтатиб туришга қарор қилди. Бу ҳақда AFP агентлиги хабар тарқатди.

Мамлакат иқтисодиёт вазири Элтон Мангоманинг гапига қараганда, Зимбабве доллари йил бўйи тўловлар учун қабул қилинмайди, «чунки унинг қиймати ҳеч нарса билан таъминланмаган».

2009 йил январ ойида Зимбабведаги жаҳон тарихида мисли кўрилмаган инфляция ҳукуматни мамлакат ҳудудида хорижий валюталар — Ботсвана пуласи, ЖАР рандi, АҚШ доллари, Буюк Британия фунтининг муомалада бўлишига рухсат беришга мажбур қилди.

2008 йилнинг ўрталаридан бери Зимбабве ҳукумати мамлакатдаги инфляция суръати ҳақидаги маълумотларни чоп этмаяпти.

**Интернет хабарлари асосида**
**Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади**

